



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 02 | pp. 276-283 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАЖБУРИЯТЛАР ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА УЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ



Собирова Нозима Нормат қизи
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
nsobirova002@gmail.com

Аннотация: Мақолада тижорат банкларининг мажбуриятлари ва уларни вужудга келишининг назарий асослари ўрганилган. Мажбуриятларни депозит ва нодепозит жиҳатдан вужудга келиши ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар илмий асарлари асосида тадқиқ этилган. Тадқиқотлар асосида муаллифнинг мустақил илмий ёндашувларин шакллантирилган ва асосланган. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида илмий таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, мажбуриятлар, пасив операциялар, депозит.

Аннотация: В статье рассматриваются обязательства коммерческих банков и теоретические основы их создания. Возникновение обязательств по депозиту и бездепозиту исследовано на основе научных трудов узбекских и зарубежных ученых. Самостоятельные научные подходы автора сформированы и основаны на исследованиях. В результате проведенных научных исследований были разработаны научные предложения и выводы.

Ключевые слова: коммерческие банки, пассивы, пассивные операции, депозит.

Abstract: The article examines the obligations of commercial banks and the theoretical basis of their creation. The emergence of obligations in terms of deposit and non-deposit has been researched based on the scientific works of Uzbek and foreign scientists. Independent scientific approaches of the author are formed and based on research. As a result of the conducted scientific research, scientific proposals and conclusions were developed.

Key words: commercial banks, liabilities, passive operations, deposit

1. Кириш

Иқтисодийнинг ривожланишида молия институтлари роли ва аҳамияти ўзига хос хусусият касб этади. Бу борада молиявий ресурслар вужудга келиши ва уларни бошқариш билан боғлиқ жараёнлар алоҳида ўрганишга бўлган заруратни шакллантириб боради. Миллий иқтисодиётда қўшимча қиймат яратилиши натижасида иқтисодиёт субъектларида жамғармалар пайдо бўла бошлайди. Жумладан, жисмоний шахслар, инсонларнинг даромадлари ва харажатлари

ўртасидаги ижобий фарқ ошиб боргани сари иқтисодиётда бўш турган маблағларни бошқаришга нисбатан зарурат вужудга келади.

Мазкур жараёнларда банклар томонидан иқтисодиётдаги ортиқча пул ресурсларини жалб этиш ва уларни ўз имкониятлари доирасида қарз шаклида истъемолга қайтадан чиқариши ривожланади. Бу эса, банкларнинг эволюцион ривожланиш босқичидаги асоси молиявий операциялардан бири бўлиб шаклланишига замин ҳозирламоқда. Хусусан, банкларнинг маблағлар жалб этиш билан боғлиқ операциялари узоқ ривожланиш тарихига эга бўлиб, банклар олдидаги молиявий мажбуриятлар шаклланишига бўлган кўрсаткичларни вужудга келтирди. Банкларнинг иқтисодиётнинг бошқа субъектлари олдидаги молиявий мажбуриятлари вужудга келиши айнан пассив операциялари пайдо бўлишига хизмат қилди, десак муболаға бўлмайди.

Қайд этиш лозим, банкларнинг пассив операциялари молиявий ресурслар жалб этиш орқали вужудга келадиган турли даражаги молиявий мажбуриятларни акс эттириб беради. Бунда молиявий мажбуриятлар икки кўринишда шаклланади десак тўғри бўлади. Биринчидан, депозит операциялари бўлса, иккинчидан нодепозит кўринишдаги операциялари шаклида вужудга келади. Умуман олганда, банкларнинг пассив операциялари бошқа шахслар олдидаги молиявий мажбуриятларни ифодалаб беради. Бу эса, аксарият ҳолларда маблағлар жалб этиш ортидан шаклланиб боради.

Ўз навбатида, депозит ва нодепозит операциялари жисмоний ва юридик шахслар билан молиявий муносабатларда вужудга келиши мумкинлигини таъкидлаш лозим. Бунда юридик шахслар нуқтаи назари Марказий банк, банк ва иқтисодиётнинг бошқа субъектлари сифатида таснифланиши мумкин.

Юридик шахслар билан нодепозит операциялари қуйидаги икки кўринишда вужудга келади, деб ҳисоблаймиз:

Тўғридан-тўғри қарз жалб этиш. Мазкур ҳолатда Марказий банк ёки бошқа банклардан қисқа муддатли даврларга мўлжалланган молиявий ресурсларни жалб этиш назарда тутилади. Шунингдек, кредит линиялари орқали молиявий ресурсларни бошқариш ҳам шулар жумласига киради.

Молия бозори орқали маблағлар жалб этиш. Ушбу жараёнда банклар томонидан қимматли қоғозлар эмиссия қилиниши ортидан маблағлар жалб этилиши банкларда молиявий мажбуриятлар вужудга келишига олиб келади. Шунингдек, банкларнинг молия бозорида самарали фаолият олиб боришига бўлган заруратни кўрсатиб туради.

Жисмоний шахслар билан ўзаро молиявий муносабатларда ҳам молиявий мажбуриятлар вужудга келишини таъкидлаш лозим. Жаҳон тижорат банк тизими тажрибасида жисмоний шахслар олдидаги молиявий мажбуриятларнинг асосий улуши депозит операциялари билан вужудга келишини қайд этиш лозим.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунёда ҳар 1000та ўсмирларга тўғри келувчи депозит ҳисобрақамлари сони 2012 йилда 437тани ташкил этган бўлса, 2015 йилда ушбу рақам 568тани ташкил этган [1]. Шунингдек, ушбу рақам 2023 йилда Ўзбекистонда 688та бўлган бўлса, Бирлашган Араб Амирликларида 1123 та, Италияда 733 ва Эстонияда 2041 тага тенг бўлганлигини қайд этиш лозим [2].

2. Тадқиқот методологияси

Таdqиқотни амалга оширишда назарий қарашларни тизимлаштирилади. Улар эмпирик таdqиқотларнинг назарий хулосаларини қиёсий баҳолашга имкон берувчи методлар асосида шакллантирилади. Таdqиқотлар асосида назарий-илмий хулосалар шакллантирилади.

3. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Банклар томонидан маблағлар жалб этишда депозит операциялари муҳим улушга эга бўлиб борганлигини таъкидлаш лозим. Банклар капитали таркибида молиявий мажбуриятларнинг муҳим рол ўйнаши туфайли депозитларга нисбатан ёндашувни такомиллаштириб боришга нисбатан зарурат вужудга келган.

Қайд этиш лозим, мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш ва рақамли трансформацион ўзгаришларни амалга оширишда қатор янгиланишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, 2017 йилда бошланган ислоҳотлар банк тизимини ҳам қамраб олганлиги ва замонавий ёндашувлар асосида истиқбол режалари жорий этилаётганлиги эътиборга молик ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган ўзбекистон республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон фармони қабул қилиниши билан ислоҳотлар ўзининг яна бир янги босқичига чиқди, десак муболаға бўлмайди.

Мазкур ҳужжатда банкларнинг актив ва пассив операцияларини бошқаришнинг замонавий тенденциялари инобатга олинган ҳолда вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, 2025 йилга келиб банклар молиявий мажбуриятларининг жами ҳажмида хусусий сектор олдидаги улушини жорий 28 фоиздан 70 фоизгача етказиш, депозитларни ҳимоялаш тизимининг жорий этилиш ва молиявий хизматларнинг оммабоплигини оширишда депозит хизматларидан фойдаланиш назарда тутилган. Шу боисдан, бу борадаги таdqиқот ва таҳлиллар зарур аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш лозим.

Шу боисдан, биз таdqиқотимизни банкларнинг пассив операциялари вужудга келиши ва унда депозит жал этиш тенденцияларининг назарий жиҳатларини ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилган илмий ёндашувларга тизимлаштирган тарзда амалга оширишни назарда тутмоқдамиз.

Проф. Ш.Абдуллаеванинг банкларда аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишга нисбатан хулосаларни келтириб ўтади. Унинг фикрича, банкларнинг молиявий хизматлари таркибида депозит операцияларини бўлиши орқали хизматлар жозибадорлигини оширишни назарда тутати [3].

Доц. А.Абсаламов ва М.Мажидов томонидан мамлакатимиз тижорат банкларида актив ва пассивларни бошқаришнинг ҳозирги тенденциялари таdqиқ этилган [4]. Улар хорижий олимларнинг ёндашувларини тизимлаштирган ўзларининг илмий хулосаларини асослашга ҳаракат қилган. Шунингдек, “мамлакатимиз банк тизимида олиб борилаётган трансформация жараёнлари натижасида охириги йилларда тижорат банкларининг пассивлари, мажбуриятлар, капитали юқори миқдорда ўсиб бораётганлини аниқланди. Аммо давлат улуши

мавжуд банкларда кредитларнинг депозитларга нисбати 3 баробарга яқинлашиши ушбу банклар давлатнинг арзон ресурслар билан қўллаб-қувватланишига ҳамда бозор тамойиллари асосида рақобатга мослашишида муаммоларга олиб келиши мумкин” деб таъкидлашади.

и.ф.д. М.Мўминова ўзининг тадқиқотларида банкларнинг пасивларини бошқаришда актив операцияларни ҳам инобатга олиш заруратини кўрсатиб ўтади [5]. Унинг фикрича, банкларда ресурслар билан боғлиқ муаммолар кредитлаш сиёсати билан ҳам боғлиқ эканлигини қайд этиб ўтади. Бунинг сабаби сифатида талаб қилиб олингунча депозит маблағларини ҳам йўналтириш тенденцияси вужудга келаётганлигини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, депозитлар фоиз ставкалари инфляция суръатдан ортда қолаётганлигини таъкидлаб ўтади.

Фикримизча, тижорат банкларида пасивларни бошқаришда уларнинг активлар билан ўзаро нисбатига эътибор қаратиш муҳим эканлиги таъкидланмоқда. Шу билан бирга, пасив ва активларнинг ўзаро нисбатида активларнинг ошиб кетиши давлат банкларида вужудга келиши мумкинлиги истисно этилмаганлигини ҳам қайд этилмоқда. Бу эса, молия институтлари ўртасидаги рақобат муҳитига салбий таъсир этиши мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Ш.Саипназаров ўзининг илмий ишида тижорат банкларининг қимматли қоғозлари бозорида иштирок этишига эътибор қаратган [6]. Мазкур амалиёт орқали банкларга ресурс жалб этиш мумкинлиги қайд этилган. АТ Алоқабанкнинг актив ва мажбуриятларини таҳлил этиб, мажбуриятлар таркибида депози операцияларининг улуши юқориликча сақланиб қолаётганлигига эътибор қаратган. Шунингдек, банкларга ресурслар жалб этишда қимматли қоғозлар савдосини молия инжинирингидан фойдаланиш юзасидан илмий ёндашувлар асослаб берилган.

О.Меликов монографик тадқиқотида тижорат банкларининг кредит ва депозит операцияларига доир илмий ёндашувларни ишлаб чиқишга эътибор берган. Тадқиқотчи “тижорат банклари депозит базасини барқарорлик даражасини ошириш йўли билан кредит хизматларининг самарадорлик даражасини ошириш керак” деган мазмундаги тавсияни ишлаб чиқади. Шу билан бирга, “Депозитлар ва кредитларнинг суммаси ва муддати бўйича мутаносибликнинг таъминланмаганлиги, талаб қилиб олинмаган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини юқори эканлиги банкларнинг депозит базасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда [7]” деган фикрни асослашга ҳаракат килади.

Тадқиқотчи А.Маматов томонидан АТБ Ипотека банкнинг актив ва пасив операцияларининг ривожланиш тенденциялари тўғрисидаги илмий хулосаларни асослашга ҳаракат килади [8]. Унинг фикрича, тижорат банкларида пасивларни самарали бошқаришда уларни кредитларга йўналтирилиши билан баҳолаш ва ўзаро нисбатига эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга, жорий ислохотлар доирасида банкларнинг трансформация қилиниши фонида пасивлар ва мажбуриятларнинг ошганлиги айтиб ўтилади.

Тадқиқотчи И.Ибрагимова ва Ж.Қурбонов томонидан олиб борилган тадқиқотда молиявий мажбуриятларнинг ҳисобини юритиш ва унинг натижасида

пассивларни самарали бошқариш борасидаги илмий хулосаларни шакллантириб беришади. Уларнинг фикрича, “Тижорат банкларида мажбуриятлар ҳисобини юритишни тўғри ташкил этилиши тижорат банкларининг самарали ишлаши ва иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлишини таъминлайди. Тижорат банклари баланси пассивининг асосий қисмини мажбуриятлар ташкил этиб, улар деярли 85-90 фоиздан иборат бўлади [9]”, деб қайд этиб ўтилади.

Айрим ўзбекистонлик олим ва тадқиқотчиларнинг илмий хулосаларини ўрганиш асносида қуйидаги илмий ёндашувларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик:

- тижорат банкларининг молиявий хизматлари портфелида депозит операцияларига эътибор бериш ва унинг жозибadorлигини ошириш муҳим ҳисобланади;

- тижорат банкларининг пассивларини активларга нисбатан ошиб кетмаслигини мониторинг қилиб бориш. Агар мазкур тенденция вужудга келаётган бўлса давлат иштирокининг мавжуд бўлишини олидини олишга эътибор қаратиш. Акс ҳолда молия хизматлари бозорида рақобат муҳитининг бузилишига замин яратилиши мумкин;

- банкларда актив ва пассивларнинг ўзаро нисбатини мувофиқлаштириш. Пассивларнинг кредитга йўналтирилиши билан бирга банкларнинг молия бозорида иштирок этишига устуворлик бериш мақсадга мувофиқ;

- тижорат банкларига маблағлар жалб этишда молия бозори имкониятларига эътибор қаратиш ва унда қимматли қоғозлар савдосининг замонавий инструментларидан фойдаланиш муҳим эканлигини инобатга олиш;

- тижорат банклари пассивлари таркибида мажбуриятларнинг улуши сезиларли даражада юқори эканлиги уларни бошқаришга нисбатан илғор ёндашувларни жорий этиш, бунда давлат улушини камайтиришга қаратилган трансформацион ислохотлар жадаллаштирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади;

- тижорат банкларида актив ва пассивларни бошқаришда уларнинг ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш барқарорлигига эришишга эътибор қаратиш долзарблик касб этишини таъкидлаш лозим.

Фикримизча, тижорат банкларида пассивларни бошқаришда молиявий мажбуриятларнинг юқори аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш муҳим. Шу нуқтаи назардан, депозит ва нодепозит операцияларнинг ўзаро нисбатини мониторинг қилиб бориш, уларни самарали бошқаришга нисбатан халқаро стандартларни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

Умуман олганда, банк мажбуриятлари таркибида депозит операцияларининг улуши юқорилиги билан алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боисдан, депозит операциялари билан боғлиқ тенденцияларини тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши ўзига хос хусусият касб этади.

4. Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимиз тижорат банкларида молиявий хизматларнинг жозибadorлиги барқарор тенденцияга эга бўлаётганлигини тадқиқ этиш муҳим эканлигини айтиш лозим. Сабаби, депозитлар улушининг 2024 йилда ўтган йилга нисбатан пасайиши

фонда бошқа муассасалардан кредитлар ва лизинг жалб этилиши улуши ошаётганлигини кузатиш мумкин. Бу эса, банкларда молиявий ресурсларни рақобат муҳитида эмас, балки тўғридан-тўғри қарз олувчи сифатида жалб этилаётганлиги устуворликка эга бўлиб бораётганлигини кузатиш мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўзбекистондаги тижорат банклари мажбуриятлари

Кўрсаткич номи	01.02.2023 й.		01.02.2024 й.	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
Депозитлар	214 197	44,8	242 119	43,7
Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	570	0,1	562	0,1
Бошқа банкларнинг маблағлари-резидент	18 848	3,9	27 087	4,9
Бошқа банкларнинг маблағлари-норезидент	24 311	5,1	19 821	3,6
Олинган кредитлар ва лизинг операциялари	189 849	39,7	221 444	40,0
Чиқарилган қимматли қоғозлар	10 984	2,30	13 253	2,4
Субординар қарзлар	6 666	1,4	12 471	2,3
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	4 881	1,0	7 340	1,3
Бошқа мажбуриятлар	7 503	1,6	9 807	1,8
Жами мажбуриятлар	477 808	100	553 904	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

Шунингдек, тижорат банклари томонидан маблағлар жалб этилишида хорижий шахслардан кўра маҳаллий субъектлар каттароқ улушга эга бўлиб бораётганлигини қайд этиш лозим (1-жадвалга қаранг). Бизнингча, тижорат банкларининг пассив операцияларида депозитлар ва олинган кредитларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса, банкларнинг депозит ва қарз бозоридаги ролини мустаҳкамлаш заруратини келтириб чиқаради.

Бизнингча, банк активлари ва пассивларини самарали бошқариш банкнинг турли молиявий операциялари молиявий ресурслар жалб этиш ва бериш билан боғлиқ бўлган фаолиятлар кўламини бир нуқта атрофида тўплашни назарда тутди, деб ўйлаймиз. Бу ерда мураккабликнинг вужудга келиши оддий жараён – активларнинг фойдалалик даражасидан кўра мажбуриятларнинг ошиб бориши билан ифодаланади. Шу нуқтаи назардан, мажбуриятларни самарали бошқаришда пассив операцияларни мониторинг қилиб бориш муҳим ҳисобланади.

Банкларда пассив операцияларни бошқаришда уларнинг фойда олишга йўналтирилган стратегик ғояларининг роли муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунда вужудга келадиган рискларни бошқаришга эътибор қаратилиши мажбуриятларни самарали мониторинг қилиб боришга имкон бериши мумкин. Шу боисдан, банкларнинг трансформацион жараёнларида давлат улушининг камайтирилишига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Бошқача айтганда, банкларнинг молиявий ресурслар жиҳатидан давлат томонидан қўллаб-қувватланишида рақобат муҳитининг йўқолиб бориши мумкинлигини инобатга олиш лозим.

Умуман олганда, мажбуриятларни бошқаришда деривативлардан ҳам фойдаланиш ўзига хос аҳамиятга эга бўлаётганлигини инобатга олиш муҳим деб ўйлаймиз. Хорижий олимларнинг тадқиқот ва тажрибаларидан ҳам маълум бўлмоқдаки тижорат банкларининг мажбуриятларини бошқаришда молиявий бошқарув қарорларини қабул қилиш муҳим хусусият касб этмоқда.

Бизнингча, тижорат банкларининг мажбуриятларини вужудга келишида депозитларнинг сезиларли улушга эга бўлиб қолаётганлиги алоҳида тадқиқот объекти сифатида изланишлар олиб боришни тақозо этиб боради.

5. Хулоса

Тадқиқотларимиз асосида натижасида ўзимизнинг мустақил ёндашувларимизни ишлаб чиқишга ҳаракат килдик:

– тижорат банкларида фойда олишга бўлган интилишнинг ортиши фонидан мажбуриятлар билан боғлиқ рискларнинг вужудга келиши ортар экан. шу боисдан, активларнинг шаклланиши ҳажмига нисбатан мажбуриятларнинг кескин ортиб кетмаслигига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади, деб ўйлаймиз;

– тижорат банкларида мажбуриятларни бошқариш самарадорлигини оширишда деривативлардан фойланиш орқали уларни ҳимоялаш тизимини яратиш ўзига хос аҳамият касб этади.

– тижорат банкларида давлатнинг улуши мавжудлиги маблағлар жалб этиш билан боғлиқ бозорда рақобат муҳитининг камайишига олиб келиши мумкин экан. шу боисдан, тижорат банкларида трансформацион ислохотларни жадаллаштириш орқали банклар мажбуриятлари таркибида хусусий сектор маблағлари улушини оширишга эътибор бериш;

– тижорат банклари мажбуриятлари шаклланишида маблағлар жалб этиш воситаси сифатида рақамли технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, мижозга қаратилган қулай молиявий платформаларни яратиш лозим бўлади;

– тижорат банклари мажбуриятлари таркибини таҳлил этишда мижозларнинг демографик омиллар кесимида, мажбуриятлар муддатлари, уларнинг қиймати каби омиллар билан бирга валюта бўйича тақсимооти кесимида ҳам таҳлил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Умуман олганда, банкларнинг мажбуриятлари вужудга келишида икки ҳолат асосий омил бўлиб хизмат қилар экан. Биринчидан, фойда олишга бўлган интилишнинг доимий характерга эга бўлиши. Иккинчидан, ўз капитали билан маблағларга бўлган талабнинг кичик улушинигина қоплай олиши мумкинлиги

билан мажбуриятларни жалб этишга бўлган зарурат сақланиб қолиши билан изоғлаш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан, тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида жалб этиладиган маблағлар – депозит операциялари алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса, депозитларни бошқаришга доир илмий ёндашувларни ишлаб чиқишга бўлган талабни шакллантириб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Depositors with commercial banks (per 1,000 adults). https://data.worldbank.org/indicator/FB.CBK.DPTR.P3?name_desc=false
2. Depositors with Commercial Banks (per 1,000 Adults) By Country. <https://tradingeconomics.com/country-list/depositors-with-commercial-banks-per-1-000-adults-wb-data.html>
3. Абдуллаева Ш.З. Банк хизматларини такомиллаштириш орқали банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш.//Тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, инвестицион фаоллиги ва молиявий барқарорлигини оширишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2016. –28 б
4. Absalamov, A., Majidov, M. (2022). Ўзбекистон банкларида актив-пассивларни бошқариш ҳолати. *Moliya va bank ishi*, 8(1), 123-132.
5. Мўминова, М. (2022). Тижорат банкларида актив ва пассив операцияларни бошқариш асослари. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(2), 80-86.
6. Саипназаров Ш.Ш. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантиришда молиявий инжинирингдан фойдаланиш йўллари: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. –ЎзР.БМА. - Т., 2020. – 67 б.
7. Меликов О.М. Тижорат банклари кредит ва депозит хизматлари амалиётини такомиллаштириш йўллари: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. –Денов ТПИ. - Т., 2023. – 56 б.
8. Маматов, А. А. (2023). Ҳозирги кунда ўзбекистон банкларида актив-пассивларни бошқариш ҳолати. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(6), 1195-1212.
9. Ибрагимова, И., & Қурбонов, Ж. (2023). Тижорат банкларида мажбуриятлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритишнинг хусусиятлари. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 1(4), 147–156. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss4-pp147-156>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

